

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САТТАРАЛИЕВА ҲАЁТХОН БОТИРАЛИ ҚИЗИ

**ТУХУМДОНЛАР СКЛЕРОПОЛИКИСТОЗИ БОР АЁЛЛАРДА
ЭКСТРАКОРПОРАЛ УРУҒЛАНТИРИШ НАТИЖАЛАРИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01-Акушерлик ва гинекология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Саттаралиева Ҳаётхон Ботирали қизи

Тухумдонлар склерополикистози бор аёлларда экстракорпорал уруғлантириш натижаларини оптималлаштириш 3

Саттаралиева Ҳаётхон Ботирали қизи

Оптимизация исходов экстракорпорального оплодотворения у женщин со склерополикистозом яичников 25

Sattaraliyeva Khayotkhon Botirali qizi

Optimization results of in vitro fertilization in women with polycystic ovaries syndrom..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 54

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САТТАРАЛИЕВА ҲАЁТХОН БОТИРАЛИ ҚИЗИ

**ТУХУМДОНЛАР СКЛЕРОПОЛИКИСТОЗИ БОР АЁЛЛАРДА
ЭКСТРАКОРПОРАЛ УРУҒЛАНТИРИШ НАТИЖАЛАРИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01-Акушерлик ва гинекология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.PhD/Tib4396 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Асранкулова Дилорамхон Бахтияровна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: Ахмаджонова Гулноза Муродовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Магзумова Наргиза Махкамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 26 декабрь куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон ш., Ю. Отабеков, 1. Тел.:+99874 223-94-60, e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (60-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон ш., Ю. Отабеков кўчаси, 1-уй. Тел.: +99874 223-94-60.)

Диссертация автореферати 2025 йил 15-декабрь куни тарқатилди. (2025 йил 15-декабрдаги 13-рақамли реестр баённомаси).

А. Ш. Арзикулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ш. О. Тошбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

О. А. Якубова

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Тухумдонлар поликистоз синдроми (ТПКС) репродуктив ёшдаги аёллар орасида кенг тарқалган эндокрин-гинекологик касалликлардан бири бўлиб, эндокрин генезли бепуштлиқ ҳолатларининг 75 фоизгача қисми ушбу синдром билан боғлиқ. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ТПКС репродуктив ёшдаги аёлларнинг 8–13 фоизида учрайди¹, бироқ касаллик клиник белгилари ноаниқ кечиши сабабли 70 фоизгача ҳолатларда ўз вақтида ташхисланмай қолмоқда. ТПКС патогенези гормонал дисбаланс, гиперандрогения ва инсулин резистентлиги билан боғлиқ бўлиб, бу ҳолатлар овулятор функциянинг бузилиши ва репродуктив салоҳиятнинг пасайишига олиб келади. Ҳозирги кунда ТПКС сабабли бепуштлиқни даволашда ҳаёт тарзини коррекция қилиш, медикаментоз терапия, жарроҳлик усуллари ҳамда ёрдамчи репродуктив технологиялар, хусусан экстракорпорал уруғлантириш (ЭКУ) қўлланилмоқда. Шу билан бирга, замонавий ташхислаш ва даволаш имкониятларига қарамасдан, ТПКСли беморларда ЭКУ натижаларини яхшилаш, овариал жавобни оптималлаштириш ва асоратлар хавфини камайтириш масалалари долзарблигича қолмоқда. Шу боис, ушбу тоифадаги беморларда ЭКУ натижаларини оптималлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар репродуктив тиббиёт учун муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда ТПКС га бағишланган илмий тадқиқотлар сони йил сайин ортиб бормоқда, бу эса касалликни ташхислаш ва даволаш усуллариининг такомиллашишига хизмат қилмоқда. Илмий манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, соғлом аёлларга нисбатан ТПКСга эга аёлларда бепуштлиқ ҳолатлари сезиларли даражада кўпроқ учрайди. Мавжуд миллий ва халқаро клиник тавсияномаларга мувофиқ, ТПКС сабабли бепуштлиқни даволашда биринчи босқичда медикаментоз терапия қўлланилади, бунда кломифен цитрат ва метформин асосий дори воситалари сифатида тавсия этилади. Ушбу терапия самарасиз бўлган ҳолатларда ёрдамчи репродуктив технологиялар, жумладан ЭКУ, ҳамда лапароскопик овариал дреллинг усули қўлланилиши мумкин. Ҳозирги кунда ЭКУ бепуштлиқни даволашнинг замонавий усулларида бири ҳисобланиб, клиник кузатувларда мазкур технология қўлланилган ҳолатларда муайян муддат ичида ҳомиладорликка эришиш кўрсаткичлари қайд этилган. Шу муносабат билан, ТПКСли беморларда ЭКУга кўрсатмаларни асослаш ва даволаш натижаларини оптималлаштиришга қаратилган тадқиқотлар долзарб бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда гинекологик хизматларни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, тухумдонлар поликистоз синдромини эрта аниқлаш ва даволаш масалаларида қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Репродуктив ёшдаги аёлларда ТПКС сабабли бепуштлиқни даволашда замонавий клиник протоколларни амалиётга тўлиқ жорий этиш, беморларни индивидуал баҳолаш ва даволаш тактикасини

¹WHO. Polycystic ovary syndrome (PCOS) El.resource. – Geneva: WHO, 2023. – Available at: <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/polycystic-ovary-syndrome> (accessed: 22.12.2025).

танлашда мураккабликлар кузатилмоқда. Ёрдамчи репродуктив технологияларни қўллаш имкониятлари айрим ҳудудларда чекланган бўлиб, экстракорпорал уруғлантириш дастурларига беморларни танлаш, тайёрлаш ва кузатиб бориш масалаларида ягона илмий асосланган ёндашувлар етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Бундан ташқари, ТПКСли беморларда даволаш натижаларини баҳолаш, асоратлар хавфини камайтириш ва репродуктив натижаларни яхшилашга қаратилган маҳаллий клиник-тадқиқот ишлари етарли эмас. 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да «репродуктив ёшдаги аёллар учун юқори технологик тиббий хизматларни жорий қилиш ва бирламчи тиббий хизмат тизимини мустаҳкамлаш...»² каби вазифалар белгиланган. Шу боис, репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш ва аёллар ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида най ҳомиладорлигини эрта аниқлаш, унинг асоратларини олдини олиш, ҳамда замонавий, аъзони сақлаб қолишга қаратилган даволаш усуллари жорий этиш зарурати туғилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июлидаги ПҚ 5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 25 апрелидаги ПҚ-216-сон «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги, 2023-йил 9-августдаги ПҚ-296-сон «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тухумдонлар поликистоз синдроми замонавий гинекология ва репродуктив тиббиётда энг кўп ўрганилаётган муаммолардан бири ҳисобланади. Жаҳон миқёсида олиб борилган тадқиқотларда ТПКС келиб чиқишида гиперандрогения етакчи патогенетик омил сифатида қаралиб, касаллик патогенезида марказий эндокрин тизим, тухумдонлар, буйрак усти безлари ҳамда периферик тўқималарда инсулин сезувчанлигининг бузилиши муҳим ўрин тутиши кўрсатилган (Berger K., 2019; Teede H.J. et al., 2020). Европа ва Америка репродуктология жамиятлари томонидан ТПКСнинг классик, ановулятор, овулятор ва ноандроген клиник турлари ажратилган бўлиб, ташхис қўйишда клиник, гормонал ва ультратовуш текшируви натижаларини комплекс баҳолаш тавсия этилган (ESHRE, ASRM, 2018). Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига мувофиқ, ТПКС ташхиси гиперандрогения белгилари, овулятор функция бузилиши ва ультратовуш текширувида

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги ПФ–60-сон фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 28.01.2022-й.

тухумдонлар поликистози белгилари мавжуд бўлган ҳолатларда қўйилади (WHO, 2023). Гиперандрогения даражасини баҳолашда Ferriman–Gallwey шкаласидан фойдаланиш, шунингдек беморларда тана массаси индексини ҳисоблаш зарурлиги таъкидланган (Neven A., Spitzer P, 2021; Carmina E, 2019).

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида ТПКС муаммоси бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, касалликнинг клиник кўринишлари хилма-хиллиги сабабли ташхислаш ва даволашда ягона стандартлаштирилган ёндашувлар етарлича шаклланмаган. Адабиёт манбаларда ТПКС сабабли бепуштликни даволашда биринчи босқичда ҳаёт тарзини ўзгартириш ва медикаментоз терапия, хусусан кломифен цитрат қўллаш тавсия этилган (Карасева Е.В. ва ҳаммуал. 2024, Коркан А.И., Туреханова А.Д., 2020). Семизлик кузатилган беморларда тана вазнини 5–10 фоизга камайтириш орқали менструал ва овулятор функциянинг тикланиши мумкинлиги қайд этилган (Никитина И.Л., 2022; Олина А. А., 2023). Бироқ медикаментоз терапия самарасиз бўлган ҳолатларда лапароскопик овариал дреллинг ва ёрдамчи репродуктив технологияларни қўллаш бўйича аниқ алгоритмлар ҳамда беморларни танлаш мезонлари адабиётларда чекланган тарзда ёритилган (Уварова Е.В., 2021; Скородок Ю.Л., 2024).

Мамлакатимизда олиб борилган илмий тадқиқотларда тухумдонлар поликистоз синдромининг клиник ва биологик кўринишлари, ташхис мезонлари ҳамда даволаш усуллари турлича ёритилмоқда. Жумладан, Агабабян Л.Р. ва ҳаммуаллифлар (2025) томонидан чоп этилган ишларида ТПКС аёлларда бепуштликнинг етакчи сабабларидан бири экани ҳамда касалликни ташхислаш ва даволашнинг замонавий ёндашувлари ёритилган. Усмонкулова Х.М. (2023) тадқиқотларида эса ТПКСга эга аёлларда овуляцияни индукция қилишнинг клиник хусусиятлари кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, Аскарлова З., Норбекова Н., (2025) ишларида репродуктив ёшдаги аёлларда ТПКСга оид замонавий қарашлар умумлаштирилган бўлса, Иргашева С.У., Ғуломмахмудова Д.В. (2020) тадқиқотларида касалликнинг турли клиник шаклларида репродуктив саломатлик кўрсаткичлари фарқ қилиши мумкинлиги таъкидланган. Азизова Г.Д., асатова М.М. ишларида эса ТПКС патогенезида гиперандрогениянинг етакчи ўрни ва у билан боғлиқ метаболик бузилишлар қайд этилган.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар билан боғлиқ равишда, ТПКС ривожланиши билан алоқадор асосий омилларни аниқлаш замонавий тиббиётнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланиб, репродуктив ёшдаги аёлларда асоратлар, салбий оқибатлар хавфини эрта аниқлаш ва бепуштликни бартараф қилиш имконини беради. Бу борадаги маълумотларнинг етарли эмаслиги тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини шакллантирди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтининг 019.8006.803-сон “Репродуктив аъзолар касалликларини профилактикаси, ташхислаш ва даволаш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Тухумдонлар склерополикстози билан хасталанган аёлларда ёрдамчи репродуктив технологиялар дастурида фенотипик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда шахсга йўналтирилган даволаш дастурини ишлаб чиқиш орқали экстракорпорал уруғлантириш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тухумдонлар склерополикстози билан оғриган аёлларда касалликнинг А, Б, С, Д фенотипларига кўра клиник, биокимёвий ва инструментал кўрсаткичларни алоҳида ўрганиш ва уларнинг учраш частотасини аниқлаш;

тухумдонлар склерополикстози фенотипларига хос клиник ва лаборатор кўрсаткичларни қиёсий таҳлил қилиш ҳамда уларнинг экстракорпорал уруғлантириш натижалари билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш;

тухумдонлар склерополикстозидида ҳар бир фенотип бўйича клиник ва лаборатор кўрсаткичларни комплекс баҳолаш асосида индивидуал тайёргарлик ҳамда даволаш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

тухумдонлар склерополикстози сабабли бепушт аёлларни экстракорпорал уруғлантиришга тайёрлаш босқичида шахсга йўналтирилган индивидуал тайёргарлик дастурини ишлаб чиқиш ҳамда унинг асосий репродуктив натижаларга таъсирини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2023-2025 йиллар давомида Фарғона шаҳри “Меридиан” диагностик марказга бепуштлик билан мурожат қилган ва экстракорпорал уруғлантириш (ЭКУ) муолажасига жалб қилинган 87 нафар тухумдонлар склерополикстози билан хасталанган аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Экстракорпорал уруғлантириш дастурида тухумдонлар склерополикстози мавжуд аёллар қон зардобидидаги гормонал (гонадотроп гормонлар, жинсий стероидлар), метаболик ва биокимёвий кўрсаткичлар, фолликуляр суюқликдаги биокимёвий маркерлар, шунингдек ултратовуш текшируви натижалари (тухумдон ҳажми, антрал фолликуллар сони) ҳамда клиник репродуктив натижаларни комплекс баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, махсус лаборатор, инструментал ва статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган..

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тухумдонлар склерополикстози мавжуд аёлларда унинг клиник фенотиплари (А, В, С, D) бўйича клиник, гормонал ва лаборатор кўрсаткичларнинг ўзига хос хусусиятлари тизимли равишда ўрганилиб, лютеинловчи гормон, унинг фолликул стимуловчи гормонга нисбати (ЛГ/ФСГ), кортизол, антимюллер гормони, лептин, юқори ва паст зичликдаги липопротеидлар ҳамда глюкозага толерантликнинг бузилиши кўрсаткичларининг тана масса индекси билан узвий боғлиқлиги аниқланган;

тухумдонлар склерополикстозидида ЛГ/ФСГ ва ДГЕА-С-дегидроэпиандростерон сульфат каби лаборатор қийматларнинг ҳайз бузилиши турига боғлиқ эмаслиги, тана вазни ортиши эса тухумдон ҳажми, фолликулалар сони ва диаметрининг ортиши билан боғлиқлиги аниқланган, бу морфо-функционал ва лаборатор ўзгаришларнинг экстракорпорал уруғлантириш самарадорлигини ошириши исботланган;

тухумдонлар склерополикстози ТПКС фенотипини ҳисобга олган ҳолда флутамид, мелатонин каби эндокрин модуляторларни комплекс қўлланилиши клиник кўрсаткичларни яхшилаши, ооцитлар ва эмбрион морфо-функционал сифатини оширишда самарали эканлиги исботланган;

тухумдонлар склерополикстози билан боғлиқ бепуштликни даволашда ишлаб чиқилган шахсга йўналтирилган индивидуал тайёргарлик дастури эмбрион имплантацияси частотасини $0,40 \pm 0,12$ бирликка ошириши, клиник ҳомиладорлик частотасини 18,4% га кўпайтириши ҳамда ҳомила тушиши ҳолатларини 5,3% га камайтириши билан даволаш самарадорлигини ошириши илмий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижасида тухумдонлар склерополикстози мавжуд аёлларда унинг фенотиплари (А, В, С, D) бўйича клиник, гормонал ва лаборатор кўрсаткичларни тизимли баҳолаш асосида беморларни индивидуал стратификация қилиш имконияти яратилган. ТПКС фенотипига мос равишда эндокрин модуляторларни (флутамид, мелатонин) комплекс қўллаш клиник ҳолатни яхшилаши, ооцитлар ва эмбрионларнинг морфо-функционал сифатини ошириши таъминланди. Ишлаб чиқилган шахсга йўналтирилган индивидуал тайёргарлик дастурини амалиётга жорий этиш натижасида эмбрион имплантацияси ва клиник ҳомиладорлик кўрсаткичлари оширилиб, ҳомила тушиши ҳолатларини камайтириш орқали экстракорпорал уруғлантириш самарадорлигини яхшилашга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашувлар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, материалларнинг етарли даражадалиги, шунингдек, текширилган беморлар сони етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг умумклиник, махсус лаборатор, инструментал ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тухумдонлар поликистоз синдроми билан боғлиқ бепуштликда клиник фенотиплар (А, В, С, D) кесимида гормонал, метаболитик ва лаборатор кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги тизимли равишда таҳлил қилиниб, лютеинловчи гормон, ЛГ/ФСГ нисбати, антимюллер гормони, лептин, кортизол, липид алмашинуви ҳамда глюкозага толерантлик бузилиши кўрсаткичларининг патогенетик аҳамияти илмий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, мазкур кўрсаткичларнинг ооцит ва эмбрион морфо-функционал сифатлари, эмбрион имплантацияси ва клиник ҳомиладорлик кўрсаткичлари билан боғлиқлиги аниқланиб, тухумдонлар поликистоз синдромида репродуктив самарадорлик шаклланишининг илмий-назарий концепциялари такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тухумдонлар склерополикстози билан боғлиқ бепуштликда экстракорпорал

уруғлантириш дастурига тайёрлаш босқичида клиник, гормонал, метаболик ва ултратовуш кўрсаткичларини комплекс баҳолашга асосланган шахсга йўналтирилган индивидуал тайёргарлик ва даволаш алгоритмлари ишлаб чиқилди. Ушбу алгоритмлар ТПКС фенотипларини ҳисобга олган ҳолда беморларни стратификация қилиш, овариал жавобни прогнозлаш, асоратлар хавфини камайтириш ва экстракорпорал уруғлантириш самарадорлигини ошириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тухумдонлар склерополикистози бор аёлларда экстракорпорал уруғлантириш натижаларини оптималлаштиришга қаратилган тадқиқотнинг илмий натижаларига кўра:

биринчи илмий янгилик: тухумдонлар склерополикистози мавжуд аёлларда унинг клиник фенотиплари (А, В, С, D) бўйича клиник, гормонал ва лаборатор кўрсаткичларнинг ўзига хос хусусиятлари тизимли равишда ўрганилиб, лютеинловчи гормон, унинг фолликул стимулловчи гормонга нисбати (ЛГ/ФСГ), кортизол, антимюллер гормони, лептин, юқори ва паст зичликдаги липопротеидлар ҳамда глюкозага толерантликнинг бузилиши кўрсаткичларининг тана масса индекси билан узвий боғлиқлиги аниқланганлиги Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти Эксперт кенгаши илмий фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими томонидан 2024 йил 26 апрель 01-02/4-t-25-сон билан тасдиқланган ва «Поликистоз тухумдонлар синдромида ЭКУ муолажасига тайёрлаш дастурини такомиллаштириш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ушбу янгилик Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 2024 йил 15 майдаги 01-08/839-сон ва Республика ихтисослаштирилган она ва бола илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон филиалининг 2025 йил 18 майдаги 24-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 13 ноябрдаги 19/43-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: тухумдонлар склерополикистози клиник фенотипларини клиник-лаборатор ҳамда морфо-функционал кўрсаткичларга боғлиқ равишда тизимли ўрганиш бу касалликка чалинган аёллар репродуктив саломатлигини эрта баҳолаш ва бепуштликнинг олдини олиш имконини яратади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Тухумдонлар склерополикистози мавжуд аёлларда клиник фенотиплар (А, В, С, D) бўйича клиник, гормонал ва лаборатор кўрсаткичларни тана масса индекси (ТМИ) билан боғлиқ ҳолда стратификация қилишга асосланган ушбу ёндашув иқтисодий самарадорликни баҳолаш нуқтаи назаридан қиёсий таҳлил асосида ўрганилди, бунда стандарт диагностика моделида ҳар бир бемор учун ўртача харажат $C_1 = (\text{гормонал таҳлиллар} + \text{метаболик тестлар} + \text{қўшимча текширувлар}) = 600-700$ минг сўм, таклиф этилаётган фенотипга йўналтирилган мақсадли диагностика моделида эса $C_2 = 300-350$ минг сўм ни ташкил этди, иқтисодий тежамкорлик эса $\Delta C = C_1 - C_2 = 300-350$ минг сўм/бемор формуласи асосида ҳисобланди, натижада $n = 100$ бемор учун умумий йиллик иқтисодий самара $\Sigma \Delta C = n \times \Delta C = 30-35$ млн сўмни ташкил қилади. Шу билан бирга фенотипга мос диагностика

орқали ортиқча таҳлиллар сонини камайтириш, нотўғри ёки самарасиз даволаш ҳолатларини қисқартириш ҳамда асоратлар ривожланиш хавфини пасайтириш натижасида билвосита харажатлар (даволаш муддатининг узайиши, қўшимча дори воситалари, қайта мурожаатлар) ҳам камайиши кузатилиб, умумий иқтисодий самарадорликни қўшимча равишда 12-15% га орттириш имконини беради;

иккинчи илмий янгилик: тухумдонлар склерополикестозида ЛГ/ФСГ ва ДГЕА-С- дегидроэпиандростерон сульфат каби лаборатор қийматларнинг ҳайз бузилиши турига боғлиқ эмаслиги, тана вазни ортиши эса тухумдон ҳажми, фолликулалар сони ва диаметрининг ортиши билан боғлиқлиги аниқланган, бу морфо-функционал ва лаборатор ўзгаришларнинг экстракорпорал уруғлантириш самарадорлигини ошириши исботланганлиги Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти Эксперт кенгаши илмий фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими томонидан 2024 йил 26 апрель 01-02/4-t-25-сон билан тасдиқланган ва «Поликестоз тухумдонлар синдромида ЭЖУ муолажасига тайёрлаш дастурини такомиллаштириш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ушбу янгилик Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 2024 йил 15 майдаги 01-08/839-сон ва Республика ихтисослаштирилган она ва бола илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон филиалининг 2025 йил 18 майдаги 24-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 13 ноябрдаги 19/43-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: тухумдонлар склерополикестозида морфо-функционал ва лаборатор ўзгаришларни комплекс баҳолашга асосланган диагностик ёндашув экстракорпорал уруғлантириш самарадорлигини олдиндан прогноз қилиш, овуляцияни стимуляция қилиш тактикасини индивидуаллаштириш натижасида беморларнинг руҳий-ижтимоий юкининг пасайиши ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: амалиётда қўлланиладиган стандарт алгоритмларда ҳайз бузилиши турига йўналтирилган қўшимча гормонал ва лаборатор текширувлар ўтказилиши ҳар бир бемор учун ўртача 900–1000 минг сўм тўғридан-тўғри харажатни талаб этади, таклиф этилаётган ёндашувда эса лаборатор кўрсаткичларнинг ҳайз бузилиши турига боғлиқ эмаслиги инобатга олиниб, таъхислашнинг асосий йўналиши тана вазни ва тухумдонларнинг морфологик параметрларини баҳолашга қаратилгани сабабли диагностик харажатлар 450–500 минг сўмгача камайиши аниқланди. Натижада ҳар бир бемор учун 400–500 минг сўмгача иқтисод қилиниши, 100 бемор ҳисобида эса йиллик 40–50 млн сўмгача молиявий маблағни тежаш имконини беради;

учинчи илмий янгилик: тухумдонлар склерополикестози ТПКС фенотипини ҳисобга олган ҳолда флутамид, мелатонин каби эндокрин модуляторларни комплекс қўлланилиши клиник кўрсаткичларни яхшилаши, ооцитлар ва эмбрион морфо-функционал сифатини оширишда самарали эканлиги исботланганлиги Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти Эксперт кенгаши илмий фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими томонидан

2024 йил 26 апрель 01-02/4-t-25-сон билан тасдиқланган ва «Поликистоз тухумдонлар синдромида ЭКУ муолажасига тайёрлаш дастурини такомиллаштириш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ушбу янгилик Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 2024 йил 15 майдаги 01-08/839-сон ва Республика ихтисослаштирилган она ва бола илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон филиалининг 2025 йил 18 майдаги 24-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 13 ноябрдаги 19/43-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: ТПКС фенотипини ҳисобга олган ҳолда Флутамид ва Мелатонинни қўшимча қўллашга асосланган терапевтик ёндашувнинг иқтисодий самарадорлиги дори воситаларининг таннархига асосланган харажатлар таҳлили орқали баҳоланди, бунда стандарт протоколда қўлланиладиган қўшимча гормон препаратлари ва такрорий стимуляция курсларининг ўртача таннархи $C_s = \sum(P_i \times Q_i) \approx 4,8-5,2$ млн сўм/бемор ни ташкил этган бўлса, Флутамид ва Мелатонин қўшимчаси билан бойитилган фенотипга йўналтирилган терапияда дори воситаларининг жами таннархи $C_n = (PF \times QF + PM \times QM + \Sigma P_{\text{базавий}}) \approx 3,6-3,9$ млн сўм/бемор гача камайган, шу асосда тўғридан-тўғри дори харажатлари бўйича иқтисодий самара $\Delta Cd = C_s - C_n \approx 1,2-1,5$ млн сўм/бемор формуласи билан ҳисобланди. Қўшимча равишда, дори воситаларининг клиник самарадорлиги ошиши ҳисобига даволаш давомийлиги қисқариши ($T \downarrow$) ва такрорий курслар эҳтиёжининг камайиши ($N \downarrow$) ҳисобга олинганда умумий иқтисодий самара $E = \Delta Cd \times N + (T \downarrow \times C_{\text{сунлик}})$ кўринишида ифодаланиб, $n=100$ бемор учун йиллик тўғридан-тўғри дори харажатлари бўйича иқтисод 120-150 млн сўмни ташкил қилади.

тўғридан-тўғри илмий янгилик: тухумдонлар склерополикистози билан боғлиқ бепуштликни даволашда ишлаб чиқилган шахсга йўналтирилган индивидуал тайёргарлик дастури эмбрион имплантацияси частотасини $0,40 \pm 0,12$ бирликка ошириши, клиник ҳомиладорлик частотасини 18,4% га кўпайтириши ҳамда ҳомила тушиши ҳолатларини 5,3% га камайтириши билан даволаш самарадорлигини ошириши илмий жиҳатдан асосланганлиги Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти Эксперт кенгаши илмий фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими томонидан 2024 йил 26 апрель 01-02/4-t-25-сон билан тасдиқланган ва «Поликистоз тухумдонлар синдромида ЭКУ муолажасига тайёрлаш дастурини такомиллаштириш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ушбу янгилик Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 2024 йил 15 майдаги 01-08/839-сон ва Республика ихтисослаштирилган она ва бола илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон филиалининг 2025 йил 18 майдаги 24-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 13 ноябрдаги 19/43-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг тиббий-ижтимоий самарадорлиги: ишлаб чиқилган шахсга йўналтирилган индивидуал тайёргарлик дастурини қўллаш ТПКС билан оғриган аёлларда репродуктив функциянинг тикланишига, табиий ҳомиладорлик ҳолатлари улушининг ошишига ҳамда

ёрдамчи репродуктив технологияларга, хусусан экстракорпорал уруғлантиришга бўлган эҳтиёжнинг камайишига олиб келди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: стандарт даволаш тактикасида битта қўшимча ЭКУ цикли ва унга тайёргарлик билан боғлиқ ўртача харажат $C_1=12-15$ млн сўм ни ташкил этади. Индивидуал тайёргарлик дастури қўлланилиши натижасида клиник ҳомиладорликка биринчи уринишда эришилган ҳолатлар улуши ортиши сабабли камида бир маротаба такрорий ЭКУ циклини ўтказиш заруратининг олди олинди. Тадқиқот кўлами доирасида такрорий ЭКУдан сақланиб қолинган ҳолатлар сони $n=25$ ни ташкил этгани хисобга олинганда иқтисодий самара қуйидаги формула асосида хисобланди: $\Sigma E_1=C_1 \times n=15$ млн $\times 25=375$ млн сўм. Қўшимча равишда, ҳомила тушиши ҳолатларининг 5,3% га камайиши натижасида стационар даволаш, қўшимча диагностика, медикаментоз терапия ва реабилитация билан боғлиқ харажатлар қисқарди. Бир ҳолатга тўғри келадиган ўртача қўшимча харажат $C_2 \approx 2,0-2,5$ млн сўм деб қабул қилинганда ва олди олинган ҳолатлар сони $n=10$ ни ташкил этганини хисобга олсак, қўшимча иқтисодий самара: $\Sigma E_2=C_2 \times m \approx 2,5$ млн $\times 10=25$ млн сўм ни ташкил этади. Шу тариқа, умумий иқтисодий самара қуйидаги ифода билан аниқланди: $\Sigma E=\Sigma E_1+\Sigma E_2=375$ млн $+25$ млн $=400$ млн сўм. Олинган натижалар ишлаб чиқилган шахсга йўналтирилган индивидуал тайёргарлик дастурини клиник амалиётга жорий этиш репродуктив даволаш самарадорлигини ошириш билан бир қаторда соғлиқни сақлаш тизими харажатларини сезиларли даражада оптималлаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 137 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Тухумдонлар поликистоз синдромини даволашга замонавий қарашлар”** деб номланган биринчи бобида мавзуга оид адабиёт

манбаларининг таҳлили келтирилган бўлиб, унда тухумдонлар поликистоз синдроми муаммосининг ҳозирги ҳолати ва турли тадқиқотчиларнинг илмий қарашлари тизимли равишда ёритилган. Касалликнинг таснифи, клиник кўринишлари, ташхислаш мезонлари ҳамда замонавий даволаш усуллари бўйича мавжуд маълумотлар таҳлил қилинган. Шунингдек, экстракорпорал уруғлантириш дастурига беморларни тайёрлаш жараёнида учрайдиган асосий муаммолар аниқланиб, даволаш самарадорлигини оширишда репродуктив технологияларни танлашнинг мураккаблиги билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Боб якунида ушбу муаммоларни ҳал этишнинг истиқболли йўналишлари, жумладан экстракорпорал уруғлантириш натижаларини яхшилашга қаратилган самарали даволаш дастурларини ишлаб чиқиш зарурати асослаб берилган.


Диссертациянинг “Тадқиқот материали ва текшириш усуллари” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектининг асосий хусусиятлари, қўйилган вазифаларни амалга оширишни таъминловчи тадқиқот усуллари ҳамда услубий ёндашувлар баён этилган. Тадқиқотга 2023–2025 йиллар давомида экстракорпорал уруғлантириш муолажаси ўтказилган 87 нафар аёл жалб этилди. Тадқиқотга қабул қилиш жараёнида жиддий ҳамроҳ касалликларнинг йўқлиги, гиперандрогениянинг бошқа сабаблари мавжуд эмаслиги, экстракорпорал уруғлантириш дастурида иштирок этиш учун беморларнинг розилиги асосий мезонлар сифатида қабул қилинган (1-расм).



1-расм. Тадқиқот дизайни

Тадқиқотни амалга ошириш учун берморлар иккита гуруҳга ажратилдилар. Таққослаш гуруҳи 48 та бемор ташкил этиб, ушбу беморларни даволаш мобайнида ТПКС кечиши, оғирлик даражаси, ногиронлик гуруҳини шаклланиши ва динамикасига салбий таъсир кўрсатадиган омиллар ўрганилди. Олинган натижалар асосида беморларни клиник фенотипига кўра ЭКУ амалиётига тайёрлаш алгоритми ишлаб чиқилди. Ушбу усуллар асосий гуруҳни ташкил этган 39 нафар беморларда қўлланилди. Ташҳис анъанавий NIH ва АЕ-PCOS мезонлари ҳамда Роттердам мезонлари (2003) асосида қўйилган. Тадқиқот давомида бачадон ва тухумдонларнинг ўлчамлари ҳамда структуралари, эндометрийнинг қалинлиги (М-Эхо) каби омиллар ўрганилади ва тухумдонларнинг фолликуляр тизими баҳоланади. Стандарт кўрсаткичлар сифатида, репродуктив даврдаги соматик ва гинекологик томондан саломатлиги жойида бўлган аёлларнинг қон плазмасида жойлашган гормонлар даражасининг маълумотлари қабул қилинган. Умумий холестерин, юқори, паст ва жуда паст зичликдаги липопротеидлар, триглицеридлар миқдори ва атерогенлик коэффициенти аниқланган. Тўқималарнинг инсулин таъсирига қарши туриш қобилияти, иммунореактив инсулин миқдори орқали қиёсий таҳлил қилинади. ИР даражасини тана вазнидан қатъи назар баҳолаш учун НОМА-IR (гомеостатик индекс) ва β-хужайраларининг гомеостатик индекси (НОМА β-селл) каби кўрсаткичлар ўрганилган. Тадқиқот гуруҳларида фарқланишларнинг аҳамиятлилик даражаси β-тақсимланишга асосланган Клоппер-Пирсоннинг биноминал “аниқ” усулида 95% ли ишончлилик интервали (СИ) оралиғида амалга оширилди..


Диссертациянинг учинчи “Тадқиқотдаги беморларнинг клиник-лаборатор тавсифи” номли бобида ТПКС билан хасталанган аёлларда касалликнинг клиник кечиши, беморлардаги антропометрик, инструментал ва лаборатор ўзгаришларнинг бийёий таҳлили келтирилган. Тухумдонлар склерополикстози (ТПКС) билан оғриган аёлларни ёш градациялари бўйича таҳлил қилиш натижасида касалликнинг учраш частотаси асосан репродуктив фаол давр аёлларида юқори эканлиги аниқланди (2-расм).



2-расм. Тухумдонлар склерополикстози билан тадқиқотга жалб қилинган аёлларнинг ёш градациялари бўйича тақсимоти

Ушбу натижалар ТПКС билан боғлиқ бепуштлиқ ҳолатлари кўпроқ 36–40 ёш оралиғидаги аёлларда учрашини кўрсатади. Шунингдек, 31–35 ёш оралиғидаги юқори кўрсаткичлар ҳам ТПКСнинг фаол репродуктив даврда аниқланиш эҳтимоли юқорилигини тасдиқлайди.


Тадқиқот гуруҳларидаги бемор аёлларда хайз циклининг бузилишида дисменорик-8,0%, опсоменорик-11,5% ва 33,3% аменорик турлари кузатилган. Такқослаш гуруҳидаги беморларни аксариятида ортиқча тана вазни кузатилган – 18 нафар беморда (51,4%), ва атиги 1 нафар беморда вазн етишмовчилигини (2,8%) кузатилган. Ортиқча вазн ва семизлик бўлган беморларнинг аксариятида (77,5%) семиришни эркакча типи кузатилган. Асосий гуруҳдаги беморларни аксариятида ортиқча вазн кузатилган (n=15; 39,5%) ва атиги 2 нафар беморда вазн етишмовчилигини (5,3%) кузатдик. Ҳар икки гуруҳда ҳам ортиқча вазн ва семизлик бўлган беморларнинг аксариятида (77,5%) семиришни эркакча типи кузатилган (3-расм).



3-расм. Асосий ва такқослаш гуруҳларида клиник симптомлар учраши


Беморларнинг деярли барчасида ортиқча тукланиш кузатилган бўлиб такқослаш гуруҳида энгил даражали гирсутизм 27 нафарида (27,6%), ўрта – 18 нафарида (17,2%) ва оғир даражаси – 3 нафар беморда (5,7%) қайд этилган. Асосий гуруҳдаги беморларда энгил даражали гирсутизм 24 нафарида (34,5%), ўрта – 12 нафарида (20,7%) ва оғир даражаси – 3 нафар беморда (7,8%) қайд этилган. Акне белгилари асосий гуруҳда 18 (46,1%), назорат гуруҳида 19 (39,6%) беморларда қайд этилган. Семизлик эса асосий гуруҳда 23 (58,9%), назорат гуруҳида 28 (58,3%) ҳолатда аниқланиб, икки гуруҳ ўртасида сезиларли фарқ кузатилмади ($p > 0,05$).

Тухумдонлар склерополикстози (ТПКС) билан оғриган аёллар орасида фенотипик таҳлил натижаларига кўра, А фенотип ҳар икки гуруҳда ҳам энг кўп учради. Асосий гуруҳда А фенотип 13 нафар (33,3%), назорат гуруҳида эса 20 нафар (41,6%) беморларда аниқланган. Б фенотип мос равишда 7 (17,9%) ва 11 (22,9%) ҳолатларда, С фенотип эса энг кам- 7 (17,9%) ва 6 (12,5%) аёлларда қайд этилди. Д фенотип улуши асосий гуруҳда 12 (30,7%), назорат гуруҳида 11 (22,9%) беморлардан иборат бўлди (4-расм).



4-расм. Асосий ва таққослаш гуруҳларида ТПКС фенотипларининг учраш частотаси

Олинган маълумотларга кўра, ТПКСнинг А фенотиби ҳар икки гуруҳда устунлик қилган бўлиб, бу фенотип учун хос бўлган гормонал дисбаланс ва клиник кўрсаткичларнинг яққол намоён бўлиши билан изоҳланади. Гуруҳлар ўртасида фенотипик таркибда сезиларли статистик фарқ аниқланмади ($p>0,05$), бу эса беморларни гуруҳлашнинг изчиллиги ва таққослама таҳлил учун мослигини кўрсатади. Таҳлил натижаларига кўра, асосий ва таққослаш гуруҳларида ТПКС билан оғриган аёлларда гормонал дисбаланснинг турлича даражада ифодаланганлиги кузатилди. Асосий гуруҳда LH ($12,4\pm 0,6$ mIU/ml), АМН ($8,7\pm 0,5$ ng/ml) ва Лептин ($24,5\pm 1,2$ ng/ml) кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан юқорироқ бўлиб, бу гиперандрогенемия ва метаболик бузилишлар билан боғлиқ гормонал дисбалансни кўрсатади (5-расм).



5-расм. Асосий ва таққослаш гуруҳларида гормонал кўрсаткичларнинг даволашдан олдинги ўртача қийматлари

FSH даражалари ҳар икки гуруҳда ўхшаш бўлиб, сезиларли фарқ аниқланмади ($p>0,05$). Инсулин даражаси эса асосий гуруҳда ($15,8\pm 0,8$ μIU/ml) бироз юқори бўлиб, бу инсулинорезистентлик белгиларининг мавжудлигини тасдиқлайди. Олинган натижалар ТПКСда эндокрин тизим фаолиятининг комплекс бузилишлари мавжудлигини ва уларнинг оғирлиги фенотипик ҳолат ҳамда метаболик синдром белгиларига боғлиқ эканлигини кўрсатади ($p<0,05$).

Ультратовуш текширув натижаларига кўра, ТПКС билан оғриган аёлларда морфометрик ва гемодинамик ўзгаришлар фенотипга қараб фарқланди. Асосий гуруҳда тухумдон ҳажми А фенотипда $12,0 \pm 0,4$ мл бўлиб, бу энг юқори кўрсаткични ташкил этди. Б фенотипда $10,5 \pm 0,5$ мл, С ва Д фенотипларда эса мос равишда $9,2 \pm 0,4$ мл ва $8,7 \pm 0,3$ мл қайд этилган. Назорат гуруҳида ушбу қийматлар бироз пастроқ бўлиб, А фенотипда 11,3 мл, Д фенотипда эса 8,1 мл ни ташкил этди. Антрал фолликулалар сони (АФС) А фенотипда энг кўп бўлиб — 26 та (асосий гуруҳ) ва 24 та (назорат гуруҳи) қайд этилган. Бу ҳолат гиперовулятор жавоб эҳтимоли юқорилигини кўрсатади. Эндометрий қалинлиги ўртача 7,8–8,4 мм оралиғида бўлиб, клиник жиҳатдан қабул қилинадиган диапазонда сақланган. Допплер ПИ индекси бўйича А фенотипда (2,6) қиймат бироз юқорироқ бўлиб, тухумдонларда қон айланишининг нисбатан камайганини кўрсатади. Бу кўрсаткич Д фенотипда (2,1–2,2) энг паст қийматда аниқланган. Таҳлил натижаларига кўра, тухумдонлар склерополикстози (ТПКС) билан оғриган аёлларда гормонал ва метаболик кўрсаткичлар фенотипик хусусиятларга қараб сезиларли даражада фарқланди. А фенотипда LH/FSH нисбати (2,6), АМН (9,8 ng/ml) ва Инсулин (18,6 mIU/ml) кўрсаткичлари энг юқори бўлиб, бу тухумдонлар фаолиятининг ортиқча стимуляцияланган ҳолатини ва гиперандрогенемияни ифодалайди. Шунингдек, бу фенотипда лептин даражаси ҳам юқори (24,3 ng/ml) қайд этилиб, метаболик бузилишлар билан боғлиқлигини кўрсатади. Б ва С фенотипларда гормонал дисбаланс нисбатан юмшоқ шаклда намоён бўлган, АМН ва инсулин даражалари ўртача кўрсаткичларда сақланган. Д фенотип эса энг барқарор гормонал профил билан ажралиб турди. Бу ҳолатда SHBG (45,1 nmol/l) юқори бўлиб, андрогенларнинг эркин фракцияси камайган ва метаболик мувозанат нисбатан сақланган ҳолатда бўлган (1-жадвал).

1-жадвал

ТПКС фенотиплари бўйича гормонал ва метаболик кўрсаткичлар таққосланиши

Кўрсаткич	Тухумдон склерополикстози фенотиплари							
	Асосий гуруҳ				Таққослаш гуруҳи			
	А	Б	С	Д	А	Б	С	Д
LH/FSH	2,6	2,2	1,9	1,7	2,3	2,0	1,8	1,6
АМН (ng/ml)	9,8	8,7	7,5	7,0	8,9	8,2	7,1	6,8
Инсулин, mIU/ml	18,6	16,4	15,9	14,8	17,2	15,7	14,9	13,9
Лептин, ng/ml	24,3	22,7	21,4	20,9	23,0	21,8	20,5	19,7
SHBG, nmol/l	35,2	37,8	42,5	45,1	36,0	38,4	43,2	45,8

Олинган маълумотлар ТПКС фенотиплари ўртасида гормонал ва метаболик дисбаланс даражаси фарқланишини, А фенотипда эндокрин бузилишлар энг яққол, Д фенотипда эса энг барқарор кечишини тасдиқлайди ($p < 0,05$).

Бемор аёлларда айрим гормонал профилларнинг тана массаси индекси билан кореллятив боғлиқлиги таҳлил қилинганда сезиларли силжишлар аниқланди. Жумладан, ТПКС билан оғриган аёлларда тухумдон гормонлари ўртасида мувозанат бузилиши мавжуд бўлиб, бу ҳолат овуляция жараёнининг

бузилиши, прогестерон етишмовчилиги ва тухумдон резервининг пасайиши билан ифодаланади (2-жадвал)

2-жадвал

Тадқиқот гуруҳларидаги бемор аёлларда тана вазни индекси ва тухумдон гормонлари концентрацияси билан коррелляцияси

Кўрсаткичлар	Ҳайз бузилиши	Антимюллер гормони	Эстрадиол	Прогестерон	17-гидрокси-прогестерон
Ҳайз бузилиши	1				
Антимюллер гормони	-0,08	1			
Эстрадиол	-0,02	-0,07	1		
Прогестерон	0,12	0,02	-0,3	1	
17-гидрокси-прогестерон	0,12	0,02	-0,3	1	1

Шу боис, беморларни баҳолашда АМГ, эстрадиол, прогестерон ва 17-гидроксипрогестерон кўрсаткичларини мажмуавий таҳлил қилиш муҳим диагностик аҳамиятга эга бўлди.

Тана вазни индекси ошгани сайин жинсий гормонлар концентрациясида ҳам ўзгаришлар кузатилди. Тестостероннинг умумий фракцияси камайиши, бироқ эркин тестостерон миқдори нисбатининг ортиши кузатилди (3-жадвал).

3-жадвал

Тадқиқот гуруҳларидаги бемор аёлларда тана вазни индекси ва жинсий гормонлар концентрацияси билан коррелляцияси

Кўрсаткичлар	ТВИ	Умумий тестостерон	Эркин тестостерон	Андростенедион	ДХЕА-С	SHBG
ТВИ	1					
Умумий тестостерон	-0,15	1				
Эркин тестостерон	0,13	0	1			
Андростенедион	-0,08	0,1	-0,04	1		
ДХЕА-С	-0,01	0,04	0,12	0,17	1	
SHBG	0,07	0,02	-0,1	-0,04	0,03	1

Бу гормонал ўзгаришлар SHBG (жинсий гормонларни боғловчи глобулин) даражасининг пасайиши билан чамбарчас боғлиқ. Бундай ўзаро боғлиқ механизмлар гормонал дисбалансни янада чуқурлаштиради ва ТПКС патогенезида муҳим рол ўйнайди. Натижада, семириш, инсулинрезистентлик ва гиперандрогенемия ўзаро мустақамловчи патологик “айланма механизм”ни ҳосил қилади.

4-жадвалда келтирилган маълумотлар тухумдон ҳажми ва ҳайз цикли бузилишлари ўртасида тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади. Бу натижалар ТПКСда ултратовуш кўрсаткичларини тизимли таҳлил қилиш орқали касалликнинг клиник кечишини, айниқса ҳайз циклининг ўзгариш механизмларини баҳолаш зарурлигини тасдиқлайди.

4-жадвал

Тадқиқот гуруҳларидаги бемор аёлларда ҳайз бузилиши ва фертиллик профили кўрсаткичлари билан коррелляцияси


Кўрсаткичлар	Ҳайз бузилиши	Тухумдон ҳажми	Тухумдон бачадон индекси	Менархе	Ҳайз бузилиш муддати
Ҳайз бузилиши	1				
Тухумдон ҳажми	0,28	1			
Тухумдон бачадон индекси	0,13	-0,13	1		
Менархе	0,02	0,1	-0,01	1	
Ҳайз бузилиш муддати	0,09	-0,09	-0,06	-0,01	1

Корреляцион таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, тухумдонларнинг катталашishi асосан гиперандрогения ва фолликуляр аппаратнинг кўпайиши натижасида юзага келади. Бу ҳолатда тухумдонлар ичида кўплаб етилмаган фолликулалар тўпланади, улар эса овулция жараёнининг бузилишига олиб келади. Натижада ановулятор циклар, олигоменорея ёки аменорея каби ҳайз кўриш бузилишлари ривожланади. Тухумдон ҳажмининг ортиши билан гормонал дисбаланс чуқурлашади-андрогенлар миқдорининг кўпайиши гранулоза ҳужайраларининг етилиш жараёнини тўхтатади, бу эса ўз навбатида фолликулаларнинг регрессиясига ва строма қалинлашувига олиб келади. Ҳайз бузилиши типига қараб тақсимланганда фолликулалар миқдори, ҳажми ва диаметрида катта тафовут топилмади, бироқ вазн билан бевосита алоқа борлиги аниқланди. Вазн ошгани сари касал тухумдонлар ҳажми, фолликулалар миқдори ва диаметри ҳам ошиши кузатилди.

Диссертациянинг “Тухумдон склерополикстози бўлган аёлларда экстракорпорал уруғлантиришда фармакологик тайёргарлик ва овариал стимуляцияга индивидуал ёндошувни асослаш” деб номланган тўртинчи бобида назорат ва асосий гуруҳдаги беморларнинг даволаш натижалари келтирилган. Тайёрлов босқичи терапиясига, бигуанидлар (метформин), КОК-лар, миоинозитол, фоллий кислотасини ўз ичига олган анъанавий терапия билан бир қаторда, гиперандрогения аломатлари аниқланган аёллар учун андрогенларга қарши препарат Флутамид, ва мелатонин киритилган. Гипоандрогения аломатлари мавжуд бўлган аёллар учун махсус дастур тайёрланиб, у ўз ичига, 6 ой давомида узлуксиз равишда суткасига 2 маҳал 250 мг дозада Флутамид андрогенларга қарши препаратни ўз ичига олган. Флутамидни қўллашда кузатилиши мумкин бўлган гепатотокциклиги

